



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ДАГИ  
**ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ**НИНГ  
ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент - 2024



**“Маҳалла еттилиги” даги  
хотин-қизлар фаолининг  
вазифалари бўйича  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

“Маҳалла еттилиги”даги хотин-қизлар фаолининг вазифалари бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 25 бет.

Мазкур услубий қўлланма хотин-қизлар фаолининг фаолиятини тартибга солиши, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларида акс эттирилган масалалари, роли, асосий вазифалари ва хизмат кўрсатиладиган хизмат тоифалари, амалга ошириладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлари, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва айрим масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.


**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

<b>1.</b>	Маҳалла хотин-қизлар фаолининг иш юритишини ташкил этиш	–	<b>4</b>
<b>2.</b>	Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари	–	<b>4</b>
<b>3.</b>	“Соғлом оила — соғлом жамият” тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси	–	<b>5</b>
<b>4.</b>	Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш вазифаси	–	<b>6</b>
<b>5.</b>	Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этиш вазифаси	–	<b>7</b>
<b>6.</b>	Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш вазифаси	–	<b>8</b>
<b>7.</b>	Хотин-қизлар фаолининг еттилик билан ҳамкорликдаги вазифалари	–	<b>9-11</b>
<b>8.</b>	“Маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар рўйхати	–	<b>12-15</b>
<b>9.</b>	Расмийлаштириладиган ҳужжатлардан наъмуналар	–	<b>16-21</b>
<b>10.</b>	фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	–	<b>22-25</b>

# МАҲАЛЛА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИНИНГ ИШ ЮРИТИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ

## МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ\*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги 81-сон Фармониغا асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилган.**

## Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари:



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони



1

“Соғлом оила — соғлом жамият” тамойилларини тарғиб қилиш, хусусан, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш:



*Ҳар ойда камида 20 та оилага кириб, оилавий қадриятларни тарғиб этади ва никоҳларнинг қонунийлигини таъминлайди. Маҳаллада ҳар ойда ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилаларнинг 5 тасини соғлом турмуш тарзига қайтаради.*

- ҳар бир оила билан яқка тартибда ишлаб, нотинч ва муаммоли оилаларнинг муаммоларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганади
- низоли оилалар, суд ва ФХДЁ бўлимларига ажрашиш учун ариза берган, норасмий никоҳ асосида яшаётган оилаларнинг манзилли рўйхатини шакллантиради
- низоли оилаларни яраштириш, норасмий никоҳ асосида яшаётган оилаларнинг никоҳини расмийлаштириш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини ташкил этади ва натижадорликни таъминлаш чораларини кўради
- яраштириш тадбирларига маҳалла фаоллари, ибратли оила аъзоларини ва обрўли нуронийларни жалб этади
- низоли оилалар билан ишлаш индивидуал дафтарини юритади, унинг доирасида оиладаги муҳитни соғломлаштириш бўйича ишларни ташкил этади
- эрта никоҳ, эрта туғруқ ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ каби салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича тизимли тушунтириш ишларини олиб боради;
- маҳалла ҳудудидаги ташкилот, корхона ва муассасалардаги хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорлик йўналишларини белгилайди, улар билан биргаликда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этади



Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш:



*Ҳар ойда бир мартаба мактабдаги ўқувчи қизлар билан учрашиб, уларнинг таълим олишга қизиқишини оширади.*

*Ҳар ойда камида 5 нафар маҳалладаги хотин-қизларни тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликка жалб қилади.*

- Хотин-қизларга таълим олиш соҳасида яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида тушунтириш бериб бориш ва тарғибот ишларини ташкил этиш
- маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолиятини бошламоқчи ва ривожлантирмоқчи бўлган хотин-қизларга субсидия ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашади
- тадбиркорлик кўникмаларини ўзлаштирган ва махсус сертификатга эга бўлган хотин-қизларга ҳоким ёрдамчилари ва банк вакиллари кўмагида бизнес-режаларни ишлаб чиқишда ҳамда имтиёзли кредитлар билан таъминлашда кўмаклашади
- ишсиз хотин-қизларни иқтидори ва қизиқишлари (масалан, ҳунармандчилик, касаначилик, тадбиркорлик ва бошқа мутахассисликлар бўйича) келиб чиқиб, мавжуд иш ўринларига ҳамда ўқиш ва касб-ҳунар ўрганиш истагида бўлганларини тегишли ўқув курслари (“Ишга марҳамат” мономарказлари, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, нодавлат таълим ташкилотлари ва бошқалар орқали)га йўналтиради. Кейинчалик уларнинг бандлиги таъминланганлигини мониторинг қилиб боради
- субсидия ва кредит ажратишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича сектор раҳбари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғига таклиф билан чиқади





Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргалиқда ташкил этиш:



*Ҳар ойда камида 10 нафар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга **ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этади.***



Ҳар куни маҳалладаги ҳар бир хонадон аҳволини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолат ва ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди



Ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳар бир оиланинг индивидуал ижтимоий ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқади



Мураккаб ва юқори технологик тиббий амалиётларга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг протез-ортопедия буюмларига ва шу каби бошқа ижтимоий хизматларга оилаларнинг эҳтиёжи бўйича тавсиялар ҳамда буюртмалар беради



Аҳоли мурожаатлари асосида ва ижтимоий ҳимоя режасининг ижросини ўрганиш жараёнида ижтимоий хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини доимий назорат қилиб боради



Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритиш орқали муаммоларини манзилли бартараф этиш чораларини кўради



Оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара ҳаражатларининг бир қисмини маҳаллий бюджет маблағларидан олти ой давомида ойлик ижара тўловининг 50 фоизи миқдоридан қоплаб берилишини ташкиллаштиради



Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратишда иштирок этиш:



*Ҳар ойда бир мартаба жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар хонадонига бориб, муаммосини ўрганади;*

*Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлайди ва профилактика инспекторига хабар беради.*

▶ профилактик ҳисобда турган хотин-қизларга маҳалладаги ижтимоий фаол хотин-қизлар мураббий сифатида бириктирилади

▶ соғлиқни сақлаш (ичкиликка ружу қўйган, руҳий касал, гиёҳванд), ички ишлар органлари (одам савдосидан жабрланганлар, жиноят содир этганлар, нотинч оилалар, профилактик ва пробақия ҳисобда турувчилари бор оилалар) ҳисобида турган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатини шакллантиради

▶ ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказиладиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида хотин-қизлар ўртасида “Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” мавзусида учрашувлар ўтказилади


▶ хотин-қизларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда профилактик тушунтириш ишларини олиб боради, бундай ҳолатлар аниқланганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади

▶ ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни жамиятга реинтеграция чораларини кўришда иштирок этади

▶ чет элга ишлаш ёки ўқиш учун кетган ва у ердан қайтиб келган хотин-қизларга, шу жумладан, одам савдосидан жабрланганларга ижтимоий ҳаётга мослашишлари учун ҳар томонлама кўмак берилишини ташкиллаштиради



## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИНИНГ ЕТТИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДАГИ **ВАЗИФАЛАРИ:**





**Маҳалла раисига** оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигига таъсир кўрсатаётган омиллар, нотинч, низоли ҳамда ажрим ёқасига келиб қолган оилалар, тўй ва бошқа оилавий маросимлар ҳақида маълумот беради



### **МАҲАЛЛА РАИСИ**

Оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, низоли оилаларни яраштириш, миллий қадриятлар ва урф-одатларни тарғиб қилиш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш, миллий қадриятларга зид бўлган турли расм-русм ва одатларни бартараф этиш, миллатлараро дўстона муҳитни яратиш ва сақлаш бўйича Маҳалла кенгаши ва жамоатчилик тузилмаларини жалб этган ҳолда амалий чоралар кўради




Ишсиз, касб-ҳунарга ўқиш, кредит олиш ҳамда субсидияга эҳтиёжи бор хотин-қизларни аниқлайди ва **ҳоким ёрдамчиси** билан ҳамкорликда уларнинг муаммоларини бартараф этади



### **ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ**

Хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликда ишсиз, меҳнат миграциясидан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларни:

- меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга ўқитиш;
- бандлигини таъминлаш;
- тадбиркорликни йўлга қўйиши учун кредит ва субсидия ажратиш;
- тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш, уларга услубий, ахборот ва консултатив ёрдам бериш чораларини кўради





### **Профилактика инспектори ҳамкорлигида**

ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва бошқа турли салбий ҳолатларга мойиллиги бор хотин-қизлар, тазйиқ ва зўравонлик содир этилган оилалар, ундан жабрланган хотин-қизлар билан ишлайди, агрессор билан тузатиш дастурларини амалга оширади





### **ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ**

Хотин-қизлар фаоли билан биргаликда тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қўйидагиларни амалга оширади:

– ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва бошқа турли салбий ҳолатларга мойиллиги бор, ЖИЭМ ва миграциядан қайтган, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан профилактика ва ижтимоий реабилитация ишларини;

– зўравонликни содир этган шахс билан “тузатиш дастурлари”ни амалга оширади



**Ёшлар етакчиси билан** ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш, ёш қизлар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш, иқтидорли ёш хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади





### **ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ**

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш борасида тарғибот-тушунтириш ишларини амалга оширади;

- ота-онаси меҳнат миграциясида бўлган, ЖИЭМда сақланаётган ва ундан озод қилинган оила фарзандларини, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш хотин-қизларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ва мослашувига кўмаклашади;

- ёш қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли тўғарақларга жалб этиш чораларини кўради, маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказади






**Ижтимоий ходим билан** ижтимоий хизматларга мухтож бўлган эҳтиёжманд, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган аёлларнинг, ота-онаси миграцияда бўлган, боқувчисини йўқотган оилалардаги болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича ишлайди



### **ИЖТИМОЙ ХОДИМ**

Хотин-қизлар фаоли билан биргаликда:

- мураккаб тиббий амалиётларга мухтож бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга зарур тиббий хизматлар кўрсатилишини ташкил этади;
- ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш чораларини кўради;
- тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган аёлларни реабилитация марказларига, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган аёлларни “Мурувват” ва “Саховат” уйларига жойлаштириш, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш чораларини кўради;
- ота-онаси миграцияда бўлган, боқувчисини йўқотган оилалардаги болаларга зарур тиббий, ижтимоий хизматлар кўрсатилишини таъминлайди




**Солиқ инспектори билан** норасмий банд бўлган, ўзини ўзи банд қилган, ҳунармандчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хотин-қизларнинг солиққа оид муаммоларини ҳал этиш ишларини амалга оширади



### **СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ**

- норасмий банд бўлган хотин-қизларнинг расмий бандлиги таъминланишини ташкил этади;
- ўзини ўзи банд қилган, тадбиркор, ҳунарманд хотин-қизларнинг солиқ билан боғлиқ муаммоларини бартараф этишга, уларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланишларига кўмаклашади;
- ўз тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган хотин-қизларга корхона фаолиятини қайта тиклашга, шунингдек, фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашади ва солиққа оид имтиёзлар тўғрисида тарғибот тадбирларини ташкил этади





“Маҳалла етилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида  
кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар  
РЎЙХАТИ



<b>Хотин-қизлар фаоли томонидан шакллантириладиган ҳужжатлар</b>		
<b>1.</b>	Камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш	<i>Меҳнат шартномасига асосан белгиланадиган миқдорда</i>
<b>2.</b>	Иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун тўловни амалга ошириш	<i>Ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 4 баравари</i>
<b>3.</b>	Касб-ҳунарга эга бўлмаган ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакаси ошириш курсларига жалб этиш	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>
<b>4.</b>	Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш	<i>Ҳар бир мослаштирилган иш жойи учун БҲМнинг 40 бараваригача</i>
<b>5.</b>	Сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>БҲМнинг 2 баравари</i>
<b>6.</b>	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш	<i>33 миллион сўмгача</i>
<b>7.</b>	“Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>
<b>8.</b>	Бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>БҲМнинг 4 баравари</i>
<b>9.</b>	Сектор раҳбари хулосаси асосида, оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	<i>БҲМнинг 30 бараваригача</i>
<b>10.</b>	Турар жой ижараси учун компенсация тўлаш	<i>Турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача</i>
<b>11.</b>	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>Бошланғич бадални тўлаш: 32 миллион сўм</i>
<b>12.</b>	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш	<i>Уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи</i>
<b>13.</b>	Уй-жой билан таъминлаш	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>

14.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>БҲМнинг 2 баравари</i>
15.	Янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш	<i>БҲМнинг 40 бараваригача</i>
16.	Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъи назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир мартаба тўлов-контракти тўлаб бериш	<i>БҲМнинг 15 бараваригача</i>
17.	Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди, бироқ ҳар бир ой учун БҲМнинг 2 бараваридан ошмаган миқдорда</i>
18.	Касб-ҳунар таълими ташкилотларига — банд бўлмаган шахслар, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун грант ажратиш	<i>Ҳар бир ишсиз фуқаро учун БҲМнинг 4 бараваригача</i>
19.	Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий таълим ташкилотларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиш	<i>Ҳар бир ишсиз фуқаро учун БҲМнинг 4 бараваригача</i>
20.	Тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий санитария муассасаси томонидан стационар ёки амбулатор даволаш	<i>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</i>
21.	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек уларнинг вояга етмаган (қарамоғида 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларини ўрнатилган тартибда электрон навбатга қўйиш орқали вилоят ёки республика даражасида тиббий муассасаларда даволаш	<i>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</i>
22.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори-дармон олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатларини тўлаб бериш	<i>Дори-дармон олиб бериш учун БҲМнинг 20 бараваригача; мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БҲМнинг 100 бараваригача</i>

23.	“Аёллар дафтари”га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитация воситалари билан таъминлаш	Ҳисоб-китобга кўра
24.	“Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг доволаниш амалиёти учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга бориш-келиш йўл харажатларини қоплаб бериш	Йўл харажатларини тасдиқловчи (чипта ва ҳоказо) ҳужжатларда кўрсатилган сумма; Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, ҳар бир километрга БҲМнинг 0,08 фоизи миқдорида; Махсус транспорт воситаси учун сарфланган сумма
25.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатларни (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари ҳулосасига асосан тўлаб бериш	Давлат божи сифатида белгиланган сумма
26.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш	Шакллантирилган харажатлар сметаси миқдорида
27.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш	Ҳисоб-китобга кўра

*Ушбу рўйхатда кўрсатилган ёрдам ва субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари билан белгиланган.*

*Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни “маҳалла еттилиги”га кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси тайёрлайди ва киритади.*






## Маҳалла хотин-қизлар фаоли ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларни амалга оширади

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади\*

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларга мотивация беради, турмуш қийинчиликларини енгишни ўргатади, зарур ҳолларда психологларни жалб этади

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади



фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси ҳамда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси, “Аёллар маслаҳат кенгаши” фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб боради, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилади

жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оилаларни мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшган аёлларни “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғинига таклифлар киритади

хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида фуқаролар йиғини кенгаши ва ваколатли давлат органига мурожаат қилади ҳамда мурожаатлари бўйича ишлар бажарилмаган тақдирда, маҳалла раиси орқали юқори турувчи ташкилотга ёхуд ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдимнома киритади

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғини тўғрисида намунавий низом

## Расмийлаштириладиган ҳужжатлардан наъмуналар

## ДАЛОЛАТНОМА

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

Мазкур далолатнома \_\_\_\_\_ МФЙ раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори иштирокида қуйидагилар:

\_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_ уйда яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_ ижтимоий ҳомояга муҳтожлиги, унга моддий ёрдам юзасидан амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб қилган мурожаати юзасидан \_\_\_\_\_ МФЙ еттилиги томонидан “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтари”га киритиш тартиби юзасидан тушунтириш берилди.

**МФЙ раиси**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Солиқ инспектори**

\_\_\_\_\_

**Хотин-қизлар фаоли**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Профилактика  
инспектори**

\_\_\_\_\_

**Ижтимоий ходим**

\_\_\_\_\_

## ДАЛОЛАТНОМА

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

Мазкур далолатнома \_\_\_\_\_ МФЙ раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори иштирокида \_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_\_\_ уйда яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_ нинг хонадони ўрганилганда қўйидагилар:

Фуқаро \_\_\_\_\_ оилада 4 киши истиқомат қилади, II гуруҳ ногиронлиги бор. Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида \_\_\_\_\_ МФЙда шаклланган “Аёллар дафтари”га киритилган. 2023 йил ноябрь ойида 1.200.000 (бир миллион икки юз минг) сўм моддий ёрдам берилган.

**МФЙ раиси**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Солиқ инспектори**

\_\_\_\_\_

**Хотин-қизлар фаоли**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Профилактика  
инспектори**

\_\_\_\_\_

**Ижтимоий ходим**

\_\_\_\_\_

(Сўралган жойга)\_\_\_\_\_

## КАФОЛАТ ХАТИ

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

\_\_\_\_\_ га асосан ҳозирги вақтда \_\_\_\_\_ МФЙда  
2 нафар ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликка мойил уюшмаган ёшлар мавжуд.

Шу сабабли \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) \_\_\_\_\_ (сўралган ташкилот номи)  
томонидан сўралган ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликка мойил уюшмаган  
ёшлар рўйхатини тақдим этдик. Ҳозирги кунда маҳалламизда юқорида  
келтирилган 2 нафардан ортиқ уюшмаган ёшлар мавжуд эмаслигига кафолат  
берамиз.

**МФЙ раиси**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Солиқ инспектори**

\_\_\_\_\_

**Хотин-қизлар фаоли**

\_\_\_\_\_

**Ёшлар етакчиси**

\_\_\_\_\_

**Профилактика  
инспектори**

\_\_\_\_\_

**Ижтимоий ходим**

\_\_\_\_\_

## МАЪЛУМОТНОМА

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни “Маҳалла еттилиги”га кўриб чиқиш учун қуйидагилар маълум қилинади:

\_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_\_\_-хонадонда доимий равишда истиқомат қилувчи фуқаро \_\_\_\_\_ “Аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 3 нафар фарзандининг бир нафарига тўлов контрактини тўлаб беришни сўраб мурожаат қилган.

Мазкур фуқаронинг ҳақиқатда 3 нафар фарзанди олий таълим муассасасида таҳсил олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони 5-илоvasида Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъи назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълим ташкилотида таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир мартаба БҲМнинг 15 бараваригача миқдорда тўлов-контракти тўлаб берилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, тегишли ҳужжатлар тайёрланди ва мазкур масалани коллегиял тартибда кўриб чиқилиши учун киритилмоқда.

**МФЙ Хотин-қизлар  
фаоли**

\_\_\_\_\_

**Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси шакли**

« \_\_\_\_\_ » фуқаролар йиғинининг  
\_\_\_\_\_ -сон баённомаси

20 \_\_ йил

\_\_\_\_\_ туман

« \_\_\_\_ »

Раислик қилувчи:

\_\_\_\_\_

Қатнашганлар:

Жами \_\_\_\_

киши.

Ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳалладан  
фуқароларнинг вакиллари \_\_\_\_ киши.

Таклиф этилганлар:

Кенгаш аъзолари: \_\_\_\_ киши.

Ташкилотлар вакиллари (Ф.И.О., иш жойи,  
лавозими).

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1.
- 2.
- 3.

**ЭШИТИЛДИ:**

Маърузачи: Ф.И.О

Сўзга чиқдилар: Ф.И.О

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Мажлис  
котиби

имзо

Ф.И.О

Мажлис  
раиси

имзо

Ф.И.О

М.Ў.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фуқаролар йиғини раиси

(Ф.И.О.)

202\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**ЙИҒМАЖИЛДЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ**

№ \_\_\_\_\_

(тузилган жойи)

\_\_\_\_\_ йил учун

Йиғмажилд индекси	Йиғмажилд сарлавҳаси (жилд, қисм)	Йиғмажилд сони (жилдлар, қисмлар)	Йиғмажилдни сақлаш муддати ва рўйхат бўйича модданинг тартиб рақами	Изоҳ
1	2	3	4	5
Ўринбосар		_____ (имзо)		_____ (Ф.И.О.)

«КЕЛИШИЛГАН»\*

\_\_\_\_\_ (вилоят, шаҳар) архив иши  
бошқармаси Эксперт-текшириш комиссиясининг  
20\_\_ йил \_\_ даги  
\_\_-сон баёни

*\*Агар фуқаролар йиғини давлат архивининг жамлаш манбаига киритилган бўлса, у ҳолда йиғмажилдлар номенклатураси тегишли давлат архиви ёки архив иши бошқармаси Эксперт-текшириш комиссияси билан келишилади.*

**МАҲАЛЛА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН  
АСОСИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси;
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–209-сон Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–402-сон қарори;
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 358-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тўғрисидаги низом;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 августдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 438-сон қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–81-сон қарори.



ҚАЙДЛАР УЧУН

Blank lined page for recording entries.



